

Жиззах вилоят статистика бошқармаси Инвестиция ва қурилиш  
статистикаси бўлими  
НИЗОМИ

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси қабул қилган бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими Жиззах вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

3. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика кўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларига амал қилган ҳолда иш тутади.

4. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

5. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими асосий фаолияти қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий рақамларни тузишни таъминловчи статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш;

- вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларнинг тезкорлиги, ишончлилиги, ҳолислиги, изчиллигини таъминлаш;

- статистика ахборотининг қулайлиги, аниқлиги ва ошқоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

- статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

- вилоят бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

- вилоят ҳудудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонларининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажариш мақсадида статистика кузатувларини амалга ошириш;

- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

- статистика органлари замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;
  - статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;
  - статистика органлари кадрларининг малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;
  - ҳўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.
  - ҳудудий ва иқтисодиёт тармоқларида юзага келаётган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисобот давридаги статистик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маърузаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;
  - иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;
  - иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда мақолаларни, шунингдек ҳисобот даврида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;
  - ҳисобот даврида республика ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;
  - статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатилаётган интерактив хизматлар мазмунидан қониқиш ҳосил қилганлиги ҳусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиш;
  - ишончли давлат статистик ҳисоботларни ҳўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиш;
  - статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш.
6. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

### III. Бўлимнинг асосий функциялари

7. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлимининг ўз зиммасига юкланган вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:
- давлат статистика принципларига риоя этилишини таъминлайди;
  - статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларининг бажарилишини таъминлайди;
  - статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;
  - давлат статистика ҳисоботи шаклларини ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлайди;
  - белгиланган тартибда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича мониторингни ташкил қилади ва амалга оширади;
  - вилоят ҳудудлари ва тармоқларида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлайди;
  - вилоятда иқтисодий ислохотларнинг боришини, бозор муносабатлари ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, саноат ва истеъмол товарлари конъюктурасини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши статистика кузатувларини амалга оширади;
  - вилоятдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ходисаларнинг дастлабки статистик таҳлилини амалга оширади;

- статистик фаолият, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини юритиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

- статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади;

- миллий қонун ҳужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;

- маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очик статистика ахборотини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун тенг шароитлар билан таъминлайди.

8. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Инвестиция ва қурилиш статистикаси бўлими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ҳолислиги ва ишончлилигини экспертизадан ўтказиш;

- давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

- олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлиги ва ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;

- вилоят ҳудудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш. Статистик ҳисобот кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби интизомининг бузилишига йўл қўйган ҳамда яширин ва ноқонуний ишлаб чиқаришни, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини яширишга ва қорхоналар фаолиятини ҳолисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфаатларига зарар келтирадиган нотўғри статистика маълумотларини қасдан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомаларни расмийлаштириш;

- статистика ҳисоботини қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

10. Бўлим ўзига тегишли вазифалар доирасида статистика соҳасидаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

11. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганлик учун Қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

12. Бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир.

13. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

#### **V. Бўлимнинг ташкилий ва функционал структураси**

14. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

15. Бўлимни мазкур низом асосида бўлим бошлиғи бошқаради.

16. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозимга бошқарма бошлиғи томонидан тайинланади ва озод этилади.

17. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

18. Бўлим штатлари сони ва иш ҳақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.